

# **ГЛОБАЛ РАҚАМЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА ОММАВИЙ ОЧИҚ ОНЛАЙН КУРСЛАРНИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА ЖОРИЙ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ.**

*Абдурахмонов Одилжон Қобулович, катта ўқитувчи*

*Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти*

**Аннотация.** Мақолада ҳозирги даврда жаҳонда ахборотлаштириши жараёнлари катта тезлик билан ривожланаётган бир вақтда таълим тизимида ҳам ахборот-коммуникацион технологияларни қўллаш замон талабига айланди. Анаъанавий таълим беришда ахборот-коммуникацион технологияларни қўллаб, электрон таълим ресурсларидан фойдаланиш ўз самарасини бераётган онлайн таълим курслари, масофавий таълим, мобил таълим, электрон таълим каби таълим олиши усулларидан фойдаланиб келинмоқда. Онлайн таълим ресурсларидан кундузги ва сиртқи бўлим талабалари, мустақил таълим олувчилар, малака оширувчилар учун таълим беришда кенг қўлланилаётганлиги ҳақида сўз боради.

**Калим сўзлар:** Арада таълим, ахборот-коммуникация технологиялари, онлайн таълим, мустақил таълим, масофавий таълим, электрон таълим.

## **ISSUES OF INTRODUCING PUBLIC OPEN ONLINE COURSES INTO THE HIGHER EDUCATION SYSTEM IN THE CONDITIONS OF GLOBAL**

**Annotation.** The article examines the use of information and communication technologies in the education system in the context of the rapid development of information processes in the world. Using e-learning resources when using information and communication technologies in traditional education, using

effective teaching methods such as online learning courses, distance learning, mobile learning, e-learning. Online educational resources are widely used in teaching full-time and part-time students, self-study, and advanced training.

**Key words:** Blended education, information and communication technology, online education, self-directed learning, distance learning, e-learning.

Хозирги кунда дунёда ахборотлаштириш жараёнлари катта тезлик билан ривожланаётган бир вактда таълим тизимида ҳам ахборот-коммуникацион технологияларни қўллаш замон талабига айланди. Анаъанавий таълим беришда ахборот-коммуникацион технологияларни қўллаб, электрон таълим ресурсларидан фойдаланиш ўз самарасини беради. АҚШ, Европа, Корея давлатларида кенг қўлланилиб, ўз самарасини бераётган онлайн таълим курслари, масофавий таълим, мобил таълим, электрон таълим каби таълим олиш усулларидан фойдаланиб келинмоқда. Онлайн таълим ресурсларидан кундузги ва сиртқи бўлим талabalari, мустақил таълим олувчилар, малака оширувчилар учун таълим беришда кенг қўлланилиб келмоқда.

Мамлакатимиздаги таълим ислоҳотларининг диққат марказида ҳам таълим сифатини яхшилаш, кадрларни замон талабларига мос тарзда етиштириш, уларни иқтисодиёт, ишлаб чиқариш, ижтимоий сектор, бизнес, фан, халқаро муносабатлар соҳаларида рақобатбардош етук мутахассислар қилиб тайёрлаш масалалари турибди.

Ўзбекистонда олий таълим сифатини узлуксиз таъминлаш масаласининг ечими таркибида, ҳақли равишда, олий таълимга МООСларни (Massive open online courses) – оммавий очиқ онлайн курсларни (ОООКларни) жорий этиш амалиёти туради.

Илмий тадқиқотларнинг манбаларда баён этилган натижалари таҳлили шуни кўрсатадики, оммавий очиқ онлайн курслар таълимдаги нисбатан янги йўналиш ҳисобланиб, услубиятчи олимлар томонидан тадқиқ этишга етарлича киришилмаган, ОООКлар эгаллаётган миқёсга нисбатан олиб

қараганда кам ўрганилган. ОООКларга оид муаммоларнинг айрим назарий ҳамда тадбиқий жиҳатларини хорижда L.Breslow, D.E.Pritchard, J.DeBoer, A.McAuley, B.Stewart, G.Siemens, D.Cormier, L.Pappano, S.Mak, R.Williams ва J.Mackness [1], [2]; юртимизда эса В.Хамидов [3], О.Абдурахмонов ва бошқалар [4,5] тадқиқ этгандар.

Эндиликда олий таълим сифатини таъминлаш йўлида академик жараёнларда ОООКлардан фойдаланиш механизмларини ишлаб чиқиш масаласи турибди. Бу борада қуйидагиларни бажариш мақсадга мувофиқ:

- Ўзбекистонда олий таълим тизимини ислоҳ қилиш ва олий таълим сифатини таъминлашнинг меъёрий-хуқуқий асосларини ўрганиш, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг соҳага оид Фармон ва қарорларида ҳамда нутқларида, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирининг буйруқларида кўзда тутилган вазифаларга чукурроқ эътибор қаратиш; сўнгти йилларда эълон қилинган хуқуқий меъёрларнинг олий таълимнинг жорий ҳолатига таъсирини кузатиш, олий таълим сифатини таъминлашдаги ўрнини тадқиқ этиш;
- олий таълим сифатини таъминлашдаги тизимли муаммоларни аниқлаш ва уни бартараф этишнинг моделларини қуриш;
- олий таълим тизимидағи профессор-ўқитувчиларнинг хорижий олий таълим муассасаларининг ОООКларида малака оширишларини ташкил этиш ва иқтисодий самарадорликка эришиш усуулларини аниқлаш;
- талабалар мустақил таълимини ташкиллаштириш жараёнларини таҳлил қилиш; талабалар мустақил таълимида ОООКлардан фойдаланиш бўйича услугбий кўрсатмалар ишлаб чиқиш;
- ОООКлардан фойдаланиш орқали таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлашга хизмат қилувчи, иқтисодиётнинг реал секторларида илгор замонавий технологиялар билан ишлашда зарур бўлган малакаларни шакллантирувчи онлайн курсларни ОТМлар ўқув жараёнига тадбиқ этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

- таълим сифатини таъминлашда ОООКлардан фойдаланишни кафедралар кесимида тизимли тадбиқ этишга оид чора-тадбирлар харитасини тузиш ва ижросини тизимли назоратга олиш;
- республика ОТМларининг раҳбарлари таълим сифатини таъминлаш масаласида ОООКларга эътибор қаратишлари учун таҳлилий манба тайёрлаш, таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиши.

Эндиликда таълим муассасаларининг ўқув жараёнлари “аралаш таълим” шаклида ташкил этилиши мақсадга мувофиқ. Шу ўринда: олий таълим тизимида масофавий таълим технологияларидан, хусусан, оммавий очик онлайн курслардан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнини ташкиллаштириш бўйича меъёрий хужжатлар қабул қилинишини; илфор таълим платформалари тақдим этаётган таълим беришга оид тематик илмий-услубий тадқиқотлар натижаларини ўрганишни ҳамда ўзлари фаолият юритаётган ОТМ ва кафедраларга тадбиқ этишларини таклиф этамиш.

Глобал рақамлаштириш шароитида ўзбекча ОООКлар сайтини яратиш керак, халқимизни интеллектуал даражасини кўтаришга ҳисса қўшиш, энг замонавий таълим технологияларини халқимизнинг келажагини барпо этувчи авлодларга етказиш учун ҳам шундай сайт яратиш ўта долзарб ва айни вақти. Бугунги кунга келиб смартфонлардан фойдаланиш имконияти муаммо эмас, ўзимизнинг миллий ишлаб чиқарувчиларимиз пайдо бўлди.

Мамлакатимиздаги барча олий таълим муассасалари расмий сайтга эга бўлиб, улар орқали ўз фаолиятларини ёритиб борадилар. ОТМлар ўзлари тўпланган бой илмий-педагогик салоҳиятни ишга солиб, ҳар бир ОТМ раҳбарияти таълим сифатига эришишдаги умумманфаатни тўлақонли ҳис этган ҳолда ОТМ расмий сайтларида етук профессор-ўқитувчилар ва фидоий, моҳир педагогларнинг ОООКларини жойлаштируса, бу тадбир нафакт миллий, балки жаҳон миқёсида ОТМнинг ижтимоий нуфузи ортишига, халқнинг эса билим даражаси кенгайишига катта ҳисса қўшиши мумкин бўлган инновация бўлишига ишонч билдириб қоламиз.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Сатунина А. Е. Электронное обучение: плюсы и минусы // Современные проблемы науки и образования. — 2006. — № 1. — С. 89.
2. Donald Clark. Plan B: MOOCs: taxonomy of 8 types of MOOC. <https://donaldclarkplanb.blogspot.com/2013/04/moocs-taxonomy-of-8-types-of-mooc.html>.
3. Хамидов В.С. Стэнфорд, Гарвардда ўқишни хоҳлайсизми? <https://blog.xabar.uz/post/stanford-garvardda-o-qishni-hohlaysizmi?type=user>.
4. **O.Q.Abdurakhmonov:** Application of blits-question method in the process of laboratory training on the subject “Information-communication technologies” Conference INNOVATION IN THE MODERN EDUCATION SYSTEM. Washington 2021, Part 7 June.
5. **O.Q.Abdurakhmonov:** Application of blits-question method in the process of laboratory training on the subject “Information-communication technologies” Eurasian Journal of Learning and Academic Teaching. Volume 5| February 2022. ISSN: 2795-739X